





Аваллари республикамиз буйича нари борса 3-4 жойдагина макарон тайёрлайдиган корхоналар фаолият курсатар эди. Шу боисдан булса керак оддийгина усулда ишлаб чиқариладиган бу озиқ-овқат маҳсулотининг турини ҳам четдан келтиришга мажбур булардик. Қисқаси, уша кезларда оммавий тус олган дала шийпонларда деҳқону ҳашарчиларни қозонларида кунда қайнаган макаронимизнинг ҳам асосий қисми четдан келтириларида.

Бугунги кунга келиб пойтахтимизнинг узидагина ушлаб макарон маҳсулотлари тайёрлайдиган корхоналар фаолият курсатмоқда. Албатта бу ҳам ишбилармон кишиларга тadbиркорлик учун кенг имкониятлар берилаётганлигидир. Уларда тайёрланаётган турли хилдаги макаронлар харидорларни ҳам, хонадон бекаларини ҳам кунгилдагидек булмоқда. Шубҳасиз уй бекаларининг юмушларини биров булса-да енгиллаштирмоқда. Айни кезде «Лочирамак» масъулияти чекланган жамиятида ҳам кунга 8 тонна атрофида макарон тайёрланмоқда. Макарон маҳсулотлари билан савдони имкониятимиз даражасида мунтазам таъминлаб бориш асл мақсадимиз. Шу боисдан унинг одамлар дилига мос сифатли ишлаб чиқаришимиз керак. Ахир бир марта маҳсулотимизни харид қилган одам тагин бизнинг маҳсулотни излаб қолиши, ишимизга булган эътибор эканлигини яхши тушунамыз.

Тайёрланган маҳсулотларимизни чиройли, дилга мос қадоқлашга эътибор бераёلمиз. Бунинг учун корхонамиз тамғаси акс этган бир килограммик қутичаларда, бежирим салафан халтачаларда қадоқлаб савдо шаҳобчаларига жунатмоқдамиз. Уларда макарон маҳсулотига нималар қўшилганлиги қанчалик фойдалилиги, барча-барчаси батафсил акс эттирилган. Манзилимиз ҳам ёзиб қўйилган. Чунки бугунги кун харидори жуда нозик. Бизга айтажак таклифлари, фикрлари булиши мумкин. Лекин шу пайтгача маҳсулотимизга нисбатан эътирозлар булган эмас. Аксинча савдода яхши кетаяпти. Утаётган йилимиз учун 400 та савдо ва харид шаҳобчалари билан шартномалар тузилганлиги ва шунинг баробарида улар билан ишлаётганлигимиз маҳсулотимизга талаб ошганлигини курсатади. Биз уларнинг талаб-эҳтиёжига қараб 15 килограммик махсус қутиларда ҳам қадоқлашни йулга қўйганлигимиз мижозларимиз ишини бирмунча осонлаштирмоқда.

Тайёрлаётган макаронларимизнинг ту-

хумлиси 80 сумдан, оддийси 68 сумдан тушмоқда. Тугриси, маҳсулотларимиз биров қимматдек, назаримда. Бунинг арзонлаштириш йулларини қилдиряпмиз». «Ўздонмаҳсулот»лари ва «Тошкентнон» ишлаб чиқариш уюшмаси раҳбариятлари бу борада бизга кумақлар, тавсиялар

**Тadbиркор ва замон**

**НИЯТИМИЗ ТЎКИНЧИЛИККА ҲИССА ҚЎШИШ**

**«Лочирамак» МЧЖ раиси Туроб Турсунович РИЗАЕВ ҳикоя қилади.**

бермоқда. Узимиз ҳам қараб турмай, хориз фирмалари билан ҳамкорликни йулга қўймоқчимиз. Масалан, Хитой давлатининг «Нур-Бажаху» фирмасида иш юритиш усули бизга ҳар томонлама ёқди. Чунки икки томонлама ҳамкорликка асосланган қўшма корхона ташкил қилсак, бугунгидан-да куп ва сифатли маҳсулот тайёрлаймиз. Буни мен бизнес режа асосида айтаяпман. Ишонаманки, ушанда мижозларимиз бугунгидан-да купаёди.

Кексаларимиз бекорга «Қўшни куриб фикр қил» дейишмаган. Жамоамиз ҳам ана шу ақидага амал қилиб ривожланиш йулидан бораёпти. Чунки бугунги уйласак, эртага маҳсулотимиз утмай қолса, ишимиз орқага кетади-ку? Ана шунда раҳбариятга ишониб ишлаётган меҳнат аҳли, норизо булиши тайин. Биз бир оз оғир кунлардан ҳам ишчиларимизнинг кунгилларига қараб, эртанги кунини нурафшон қилишимиз, уларга туғри йулни курсатиб беришимиз керак. Токи, қилаётган меҳнатидан мамнун, биздан миннатдор булиб қолсинлар!

Биз тез ривожланиб бораётган мамлакатимизнинг барча соҳаларидан орқада қолмаслигимиз лозим. Агарда бизда кечаги ишимиздан қониқиш булса, ривожлана олмаймиз! Демокчиманки, масалан, биргина жамоамиз 1996 йилдан утган йил 150 тонна маҳсулот куп ишлаб чиқардик, деб гурурланиб кетсак, кибру ҳаво таъсирида қолишимиз мумкин. Лекин тушкунликка тушиш ҳам яхшилик аломати эмас.

Хуллас, мустақиллик даврида улкан ютуқларга эришаётган халқ, юрт учун, менга жамият нима бераёпти деб эмас, мен жамият ривожига нима билан ҳисса қўшаяпман, деб яшашимиз, мардона ишлашимизни давр тақозо этмоқда. Зеро, шу юрт фарзандига хос қалам ташлай олишимиздан юксалиш буй чузиб бораверади.

**Корхона ҳамда ташкилот раҳбарлари, ишбилармон ва тadbиркор жаноблар диққатига!**

Очиқ турдаги «Бектемир бозори» акционерлик жамияти номинал қиймати 1000 сўм бўлган акцияларини сотади. Акцияларни «Тошкент» ижара биржасидан ёки бозор ҳисобхонасидан сотиб олишингиз мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри Бектемир тумани «Фарғона йўли» кўчаси Қўйлик деҳқон бозори. Тел: 195-27-53, 195-24-65, 195-28-10.

**«ПАНДОМА» - ПАНД-НАСИҲАТИ**

Ҳалол бул, бировнинг ҳақидан ҳазар қил. Айтайлик, кучадан беш сум нул топиб олдинг, шу пулни эгасини топиб берсанг, демек сен ҳалол одамсан. Борди-ю эгаси топилмаса, ҳалиги пулни гариб бир инсонга бер, савоб булади. Агар бунинг акси булса, узингни ҳалол дейишга ҳақинг йўқ. Айниқса нон, туз, гушт, суг маҳсулотлари билан савдо қилсанг, оғоҳ бул: қалбақликнинг гуноҳи куп, жазоси оғирдир.

Шоир айтганидек: Бир кун Аллоҳ қошида тухташингни уйлагил, Баргдек хавфу рижода титрашингни уйлагил, Фазл этиб қилса тараҳум, унда хавфу гусса йўқ, Адлига олса балога учрашингни уйлагил.

Юнус ЗИЕДОВ тайёрлади.

**АКЦИОНЕРЛАР ЙИГИЛИШИГА МАРҲАМАТ**

«Бухородонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик уюшмасига қарашли акциядорлик жамиятларининг йиллик ҳисобот йиғилишларига

**ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**

Йиғилиш шу йил 17 март - сешанба куни соат 15.00 да «Қоракулдонмаҳсулотлари» ХЖ, Қоракул шаҳрида, 18 март - чоршанба куни соат 10.00 да «Бухоронон» ХЖ, Бухоро шаҳрида, соат 15.00 да «Когондонмаҳсулотлари» ХЖ, Когон шаҳрида, 19 март - пайшанба куни соат 10.00 да «Бухородонмаҳсулотлари» ХЖ, Бухоро шаҳрида булади.

**КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:**

1. Ҳиссадорлик жамияти бошқаруви Раисининг йиллик ҳисобот маърузаси.

2. Тафтиш ҳайъатининг ҳисоботи.

**«БУХОРОДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» ҲИССАДОРЛИК УЮШМАСИ**

**Эркакларга шифокор маслаҳатлари берамиз.**

Эркак ва аёлларга франция атир-упаларини тавсия этамиз.

Мурожаат учун телефон: 63-18-35

**СОҒЛОМ БЎЛИШНИ ХОҲЛАСАНГИЗ:**

Тошкент шаҳрида 34-90-36 тел.га сим қоқинг!

**Жавоб хати**

**«НУР»НИНГ ЙЎЛИ ОЙДИНЛАШДИ**

«Осиё бозори»нинг шу йил 23 январь сонида ёритилган «Нур»нинг йўли тўсилса» сарлавҳали мақолини қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Мақола Тошкент метрополитени ходимлари учун яхшигина «дастак» бўлибди. Йўловчилар билан ҳамшиша гавжум бўладиган бекатларимизда баъзан шунақа қитмирликлар юз бериши мумкинлиги ҳақида «огоҳлантириб» қўйганликларингиз учун ташаккур. Бу — назоратчиларимизни янада сергак торттирди, албатта.

Севимли газетамиз ижодкорларига тилагимиз: нафақат метродаги, балки, ҳаётимиздаги нурларнинг йўлига «гов» бўлишга уринадиган кимсаларнинг ҳам «иш»ларини ошкор этиб борсалар умумий йўлимиз ҳамшиша ойдин, чарогон бўларди.

**Омон ҚУВОНДИҚОВ,**  
Тошкент метрополитенини муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлими рота кўмондони, милиция капитани.

**СИРҒАЛИ БОЗОРИДА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРНИНГ НАРХЛАРИ**

Ишлаб чиқарувчи	Русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Мамлакат	Нархлар (АҚШ долларларида)	
				min	max
«UZDAEWOOauto»	TicoSe	1998	ЎЗБЕКИСТОН	3200	
	Tico DLX	1998		3600	
	Nexia GL	1997		5900	6000
	Nexia GLE	1997		6700	6800
	Nexia GL	1996		5400	5500
	Nexia GLE	1996		6000	6200
	Tico DLX	1997		3200	3450
Tico SE	1997	3200	3300		
Tico STD	1996	2800	3000		
«DAEWOO»	Espero	1996	ЖАНУВИЙ КОРЕЯ	20300	25000
	Prince	1996		10550	11000
	Racer	1994		6700	7350
«HYUNDAI»	Sonata	1996	ЖАНУВИЙ КОРЕЯ	11000	12050
	Sonata	1995		9850	11100
«AUDI»	100	1995	ОЛМОНИЯ	11200	12300
	100	1994		9050	10000
	100	1993		8850	9050
	100	1992		7800	8500
«BMW»	7-туркум	1996	ОЛМОНИЯ	14800	15250
	7-туркум	1986		4150	4950
	5-туркум	1994		11000	11300
	5-туркум	1993		10900	11250
	5-туркум	1993		10900	11250
BA3 - 2106	Жигули	1997	РОССИЯ	6500	7150
BA3 - 2107	Жигули	1997		6700	7000
BA3 - 099	Жигули	1997		8500	9500
GA3-3110	Волга	1997		9000	9800
GA3 -3102	Волга	1997		10800	11000
«CITROEN»	Xantia	1987	ФРАНЦИЯ	5850	6350
«OPEL»	Ascona	1996	ОЛМОНИЯ	13450	14400
	Omega	1995		11650	12500
	Vektra	1992		10600	11400
«FORD»	Mondeo	1995	АҚШ	16800	17750
	Mondeo	1994		16350	16950
	Sierra	1993		8200	9400
	Scorpio	1992		8150	8750
	Scorpio	1992		8150	8750

ЭСЛАТМА: Нархлар доллар ҳисобида кўрсатилган, олд-сотти сўмда амалга оширилади.

Сурхондарё вилояти кучмас мулк биржасида Давлат мулкни бошқариш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ва қимматбаҳо қўғозлар маркази ҳамкорлигида бугун катта ишларга қўл урилди. Биринчи навбатда янгича ишни ташкил этишда вилоят тадбиркорларининг маҳоратини оширишга қаратилганлиги қувонарли бўлмоқда. Бунда матбуот органлари билан алоқаларимизнинг аҳамияти катта бўляпти. Чунки вилоят кучмас мулк биржасининг кимошди савдолари олдиндан матбуотда реклама қилинади. Савдонинг қизгин утишида рекламанинг роли беқиёс! Иккинчидан, маърифатсиз тадбиркор эртанги кун «об-ҳавоси»ни яхши ҳис этолмайди.

Утган йили режалаштирилган кучмас мулк савдолари булиб утди. 33 миллион сўм атрофида пул тушуми қилишга эришдик. Бу асосан, қишлоқ хужалиги вазирлигига қарашли 4,5 миллион сўмлик иншоотлар, «Узсвасабзавотузум-саноат»га қарашли 4 миллион сўмлик мол-мулк ҳамда аҳоли ва ташкилотларга тегишли ерлар сотилиб, шундан 5,5 миллион сўм атрофида пул тушуришга эришдик.

Оқилона олиб борган чора-тадбирларимиз улароқ, утган йилги кимошди савдосини ташкил этиш баробарида тажрибалар тушладик. Савдо-сотиқ режаларини асосий соҳалар буйича бажардик. Тушум ишлари ҳам яхшигина бўлди. Бу борада ҳам асосий ҳудудларимиздан Бойсун, Ангор, Термиз, Узун туманларида кучмас мулк савдолари аъло даражада бажарилди. Айниқса, бу ҳудудларда автотранспорт воситаларини сотиш режаси 1996 йилга нисбатан 10-12 баробар, ер участкаларини сотиш буйича 12-13 фойза кутарилди. Олтинсой тумани-

1

да ажратилган ерларнинг бошланғич нархи 20 мингдан 240 минг сўмгача ошиб кетди. Албатта бу одамларда ишонч пайдо бўлаётганлигидан далолатдир. Ахир кечагина аҳоли «кучмас мулк» нима деган фикр билан юришарди-да. Бугун эса одамлар биз билан ҳам-

килотни «юргизиб» кета олармикан? Биз масаланинг шу томонига эътиборни қаратаёلمиз.

## Ишбилармон минбари

Ахир, мана шу юрт барчамизники экан, унга ҳар биримиз сидқидилдан хизмат қилишимиз керак. Бугун, менинг пулим куп, давр келибди хоҳлаганимни қиламан, «кимошди» савдосида хоҳлаган мол-мулкни сотиб оламан, дегувчилар борлиги албатта яхши. Лекин сотиб олинган «мол-мулк» энг аввало халқимизга хизмат қилиши, қолаверса, унинг ҳужаси саховатпешалигидан далолат. Акс ҳолда эса...

Тугриси, бугун бозор иқтисодиети ҳар биримизга куп нарсани ургатди. Буни мен биргина вилоятимизда амалга оширилаётган ишларда буйбаста билан қурашман. Авваллари хориждаги фалон давлатда бугунги тадбиркорларимиз қилишаётган ишларни оғиз тулдириб гапирардик. Бизга афсонадек туюларди. Чунки кечагина уз пешона тери эвазига топишган маблағига сотиб олинган корхона бугун юзлаб киши ишлаётган жамоалардан унумли иш фаолияти топишган маблағининг бир қисмини эса хайр-саховатга сарфлашаётганлиги ҳақиқат-ку!

Хуллас бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг Сурхон воҳасига ҳам кучмас мол-мулк сотиб оламан, ишлайман дегувчиларга катта имкониятлар яратилган. Марҳамат жаноблар, биз билан ҳамкорликка шошилинг!

Иброҳим ПАНЖИЕВ,  
Сурхондарё вилояти кучмас мулк биржаси директори.

3

# ТАДБИРКОР ҚАНДАЙ БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ?

корлик қилишни — келажаги деб тушунмоқдалар.

Ҳар жабҳада ҳам қатордан ортда қолаётганлар булар экан. Масалан, Термиз шаҳридаги қурилиши тугалланмаган иншоотларга ҳанузгача харидорлар чиқмай турибди. Халқ банкига қарашли 20 та иншоотдан еттигагина сотилган ҳолос. Шунингдек, Қишлоқ хужалик вазирлигига қарашли 50 та кучмас мулклар сотилиши керак эди. Шулардан туртагина сотилди.

Бундан ташқари банкротта учраган корхона кимошди савдосида сотиш зиммамизга юклатилган. Булар Шурчи ХЗСК ва Термиз тайёрлов идораларига қарашли ташкилотлардир. Афсуски буларга ҳам харидор камроқ. Шундай бўлса-да, уларга мувофиқ пулдор ташкилотларни топиб сотишга барча диққат-эътиборимизни қаратаёلمиз. Булмаса, шунчаки ҳавас билан сотиб оламан, дегувчилар топилмоқда. Лекин гапнинг индоллоси, улар эртага сотиб олиб, бугун шундоқ ҳам қарз ботқоғига ботиб қолган корхона ва таш-

2

Ҳазалкент очик турдаги ойна ишлаб чиқариш корхонаси нафақат мамлакатимиздаги, балки Марказий Осиёдаги машҳур корхоналардан биридир. Ҳозирги кунда бу жамоада 500 дан ортиқ ишчи меҳнат қиляпти. Ойна, селикат парчаси, ойна толаси, турли хилдаги шиша буюмлар ишлаб чиқарётган жамоа аҳли утган йилни муваффақиятли яқунлади.

— ... 1996 йилнинг сентябрь ойида ойна ишлаб чиқариш цехи тухтаб қолганди, — дея гап бошлади директор Шокир Ҳамитов. — Нега мен суҳбатни айнан камчиликдан бошладим. Бунинг узига хос сабаблари бор. Мана шу «камчилик» бир йил утгандан сўнг уз «мева»сини берди. Ушанда ойна ишлаб чиқариш цехимиз умуман талабга жавоб бермай қуйганди. Ускуналар эски, қолаверса, утга чидамли гиштлар емирила бошлади. Чунки улар уз «умр»ини яшаб бўлган эди. Ҳеч иккиланмай цехни тухтатдик ва қисқа муддатларда 28 миллион сўмлик қурилиш монтаж ишларини бажардик. Россиядан талабимизга жавоб берадиган утга чидамли гиштлар олиб келинди.

Биласизми, ишламай турган корхона беморга ухшаб қолар экан. Уша вақтларда бизни кум муаммоси ҳам қийнаб келарди. Чунки кум Тожикистондан келтирилари-да. Буни қарангки, корхонада кетма-кет етишмовчиликлар вужудга келди. Нима қилиш керак?..

Фафур Гуломнинг, тақдирни қўл билан яратур одам, деган ажойиб ибораси бор. Яна омад дейдими... хуллас шунча қийинчиликлардан сўнг энди омад биз томонга ина бошлади. 1997 йилнинг 1 сентябригача 19 миллион сўм қарз бўлган жа-

ҳам зиёдроқ курсаткичларга эришилди. Тугри, бунинг учун олиб-югуриб меҳнат қилдик. Ички имкониятлардан самарали фойдаландик. Бюджетдан 22 миллион сўм қарз эдик. Айни кунларда оморларимизда юз миллион сўмлик тайёр маҳсулот бор. Шунга яраша

Манфаат бор жойда иш рисоладагидек кечади. Ҳазалкент очик турдаги ойна ишлаб чиқариш корхонаси жамоасининг самарали меҳнат қилишлари учун имкон қадар қулай шароитлар яратилмоқда. Ишчилар учун сиҳатгоҳ, ошхона, болалар боғчаси мун-

## Ислоҳот ва масъулият

уринли болалар боғчаси қурилмоқда. Унумли меҳнат қилиш учун аввало кунгил хотиржам бўлиши лозим. Бу корхонада биз ана шундай ажойиб муҳитнинг гувоҳи бўлдик.

Келажакда эса Ҳазалкент ойначилари Чехия ишбилармонлари билан ҳамкорликда автомобиль ойнаси ишлаб чиқаришни режалаштиришмоқда. Бунинг учун эса ҳозирданок тарадуд қурил-япти.

— Эътибор берганмисиз, пойтахтимиздаги купгина бинолар кейинги пайтларда чиройли ва бежирим қора ойналар билан қурилмоқда, — дея давом этди Ш. Ҳамитов. — Курсангиз кузлар қувнайди. Бундай ойналарга талаб катта. Шуларни узимизда тайёрласа буладими? Албатта! Бунинг учун аввало бойитилган кум зарур. Яқин келажакда шундай ойналарни куплаб ишлаб чиқаришни ҳам олдимизга мақсад қилиб қуйганмиз. Замон талаби ҳам шуни тақозо этмоқда. Қачонгача хориждан маҳсулот сотиб оламиз. Жаннатмакон юртимизнинг доврuginи дунёга таратадиган кунлар келди. Аҳли жамоамиз ана шундай улуг ниятларда меҳнат қилмоқда.

Маъмуржон ҚИЕМОВ,  
Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

моа утган йилни 17 миллион сўм соф фойда билан яқунлади. Бу уз-узидан бўлмади, албатта. Тинимсиз изланиш, шижоаткорона меҳнатлар самараси улароқ биз кутган муваффақиятдан

таклифлар ҳам тушиб турибди. Бир кеча-кундузда 7-7,5 минг квадрат метр ойна ишлаб чиқаряёмиз. 1 квадрат метр ойна уртача 400-420 сўмдан миқозларга етказиб берилмоқда.

тазам ишлаб турибди. Уртача 12-14 минг сўмдан маош берилмоқда. Яхши меҳнат қилганлар йуланма асосида хорижда дам олиб қайтишяпти. Хужакент қишлоғида ишчилар учун сиҳатгоҳ ва 140



## ТАБРИКЛАЙМИЗ!



**Кадрли Фуломжон!**  
Таваллуд кунингиз муборак бўлсин. Ишларингиз ҳаминша муваффақиятли бўлаверсин. Ҳаётингиз бахт нурига тўлиқ бўлсин. Илм соҳасидаги изланишларингизга зафарлар тилаймиз.  
*Ҳамкасбларингиз.*

Кадрдон дўстимиз  
Садриддин  
ТўЛАГАНХЎЖАЕВИЧ!

Муборак 50 ёшингиз билан  
жамоамиз аъзолари номидан  
чин қалбдан самимий

## ҚУТЛАЙМИЗ!

Сизга мустақкам соғлиқ,  
узоқ умр, бахт-саодат, Оила  
йилида хонадонингизга  
тотувлик ва фаровонлик  
тилаймиз!

*Ҳурмат билан  
Тошкент йўловчи  
вагонлари таъмирлаш ва  
хизмат кўрсатиш  
дирекцияси Шимолий  
резерви раҳбарияти.*

## Ўзбек феъл

## ЗУККО КЕЛИН



Чироқчи туманида Эшмамат Абраев деган аломат одам бор. Ўзлари туман молия бошқармаси бошлиғи, аммо латифа, ичакузди ҳангомани қийворди-да.

Аломатлигининг яна бир томони, у дўхтир билан шифокор тилида, қассоб билан қассобчасига тиллаша олади! Олтмишга яқинлашиб қолса-да, мактаб ўқувчиси билан «аълочи бола»дек беллашади. Халқимизга хос удумлар, муомала маданияти ҳақидаги ҳангомаларини эшитсангиз, роса яйраб куласиз. Келинг, яхшиси Эшмамат аканинг ўзларидан эшитайлик.

Эскидан қолган яхши анъана бор: хонадонга тушган келинчак қайинсингиллари ва қайинукаларининг исмини айтмай чақиради. Аниқроғи, ўзи «исм» қўйиб олади. Бир хонадонга зуккогина Жумагул исмли қиз келин бўлиб тушибди. Шу хонадонда келиннинг шўхроқ қайинсинглиси бор экан. У: «Янга, ҳамма нарсанинг отини (исмини) айтмасдан чақиринг илтимос, уйдаги буюмларнинг, ҳатто жониворларнинг ҳам, хўпми», — деб огоҳлантирган бўлибди. Келин унинг раъйини қайтармабди.

Бир пайт келин ариқдан сув келтиргани борса, сувнинг бўйида қўйларнинг бирини бўри ямлаб ётган эмиш, келинчакни кўриб бўри қочиб қолибди. Қандай бўлмасин қўйни ҳалоллаб олиш керак, бўлмаса ўладигандай. Бунинг учун пичоқ керак. Жумагул уйга чопиб келса, қайинсинглиси пешвоз чиқиб, «тинчликми?» — дебди.

Шунда келин:

— Шилдираманинг олдида мангурамани еб кетди, пих-пих олиб келинг, она қиз, — деб мурожаат қилган экан.

Хуллас келинчак сув, қўй, пичоқ ва қайинсинглисининг айтганини шу зайлда адо этибди! Зукко келинга қойилмисиз?

*Эркин ЭСИРГАДИЕВ.*

## Мулоҳаза

## ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН...

«Осиё бозори»нинг шу йил 6 февраль сониди ёритилган «Отагинанг «Баба»ми?» сарлавҳали мақоласи кўпчиликда катта қизиқиш уйғотганига ишонамиз. Бир пайтлари ҳужжатларда шунақа мужмал хатоликлар «кетган» бўлса, энди ўз ўрнига келтириш мушкул эмас-ку! Масалан, Муборак исмли дугонамининг фамилияси — Йўлдошева. Насаби — Йўлдош бува ҳали

ҳаётлар! Таассуфки, ул нуруний буванинг кўз олдида набиралари «Юлдашева» бўлиб юришибди... Юлдаш, десангиз, худди «юл»ишга шай юрган кимсадек хунук таассурот қолдиради.

Ўзининг, насл-насабининг қадрини билган инсон, ўша хатоликка вақтида барҳам берса бўлади-ку.

*Гулфия МУҲАММАДЖОН қизи,  
Шайхонтоҳур тумани.*

## Бош муҳаррир

**А. А. СУЮНОВ**

## Газета таъсисчиси

«Ўзбекистон овози»  
газетаси таҳририяти

## НАШР МУҲАРРИРИ

**Тўлқин ЭШБЕК**

## ТАҲРИРИЯТ

Муҳаррир  
ўринбосари —  
**Маъмуржон ҚИЁМ**  
Масъул котиб —  
**Абдугани  
МАМАСОДИҚОВ**  
Мирбахтиёр  
**МИРФАЙЗИЕВ**  
**Абдумалик ҲАЙДАРОВ**  
**Илхом КАРОМОВ**  
Бош расом —  
**Бозорбой ЖУМАОЕВ**  
Компьютерда саҳифаловчи  
**Қодиржон ҚАЮМОВ**

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

**Неъмат АБДУЛЛАЕВ** —  
«Ўзбектуризм» Давлат  
миллий компанияси  
раисининг биринчи ўрин-  
босари;

**Алижон АҲМЕДОВ** —  
«Ўзбекнефтогаз» Миллий  
корпорацияси  
раисининг ўринбосари;

**Виль БЕГАНОВ** —  
ЎзР Давлат солиқ  
қўмитаси раиси;

**Холдор ИСКАНОВ** —  
ЎзР қишлоқ ва сув  
хўжалиги вазирининг  
ўринбосари;

**Файзулла  
МУЛЛАЖОНОВ** —  
ЎзР Марказий банки  
бошқаруви раиси;

**Ҳикматулла  
ЮНУСОВ** —  
ЎзР Халқ банки  
бошқаруви раиси;

**Суюн НИЗОМОВ** —  
ЎзР Давлат геология ва  
минерал ресурслари қўми-  
таси раиси ўринбосари;

**Арслон РЎЗМЕТОВ** —  
«Ўзбекистон ҳаво йўлла-  
ри» Миллий авиакомпания-  
си бош директори;

**Алексей СТЕПАНОВ** —  
Ўзбекистон —  
Америка «КОСКОМ»  
қўшма корхонаси бош  
директори;

**Қобилжон  
ТОШМАТОВ** —  
ЎзР «Пахтабанк»  
бошқаруви раиси;

**Зафар ФАЙЗИЕВ** —  
«Ўзбексавдо» Давлат  
акционерлик уюшмаси  
раиси;

**Ботир ЭРГАШЕВ** —  
«Ўзбекенгилсаноат» Дав-  
лат уюшмаси раиси;

**Ўткир  
ХОЛМУҲАММЕДОВ** —  
«Ўзбекгазсувқурилиш»  
акциядорлик жамияти  
раиси.

## ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000 Тошкент, Матбуотчилар кў-  
часи 32-уй.

Телефонлар:  
133-47-80.

Факс: 133-38-55.

Индекс: фуқаролар учун — 174.  
Ташкилотлар учун — 175.

**Эълон ва билдирувлар  
мазмуни учун реклама бе-  
рувчиларнинг ўзлари жавоб-  
гар ҳисобланади. Бизнинг  
материаллар кўчириб бо-  
силганда уни «Осиё бозо-  
ри»дан олингани кўрсатили-  
ши шарт.**

**Сотувда эркин нарҳда.**

БОЗОРБОЙ  
БАШОРАТИ

(23 февраль — 1 март кунларида)




Шерикларингиз сизнинг манфаатингиз учун  
курашаётганига сешанба кuni ишонч ҳосил  
қиласиз. Жума кuni мўмайгина даромад  
келиши кутилур.




Ҳафта мобайнида оилангизда хурсандчилик  
бўлиши кутилур. Ортиқча мақтовлардан  
ортиқча мағрурланиб кетманг.



Душанба кuni хушxabар эшитасиз.  
Чоршанба кuni молиявий аҳволингиз  
кутганингиздан ҳам зиёдроқ бўлиши кутилур.  
Дам олиш кuni ишқий мазмунда хат оласиз.  
Ҳиссиётга берилманг.



Ҳа деб дардингизни ошкор этавериб,  
қадрингизни йўқотиб қўйманг. Вазминроқ  
бўлсангиз, пайшанба кuni хурсанд бўласиз.



Ўша дўстингиз сизга беҳуда тикилмаяпти.  
Жума кuni бир сирдан воқиф бўласиз. Бахтдан  
кўзларингиз қамашиб кетади. Дам олиш кuni  
мумай даромад келиши кутилур.



Душанба, сешанба кuni гайрат билан ишланг.  
Самарасини ҳафта охирироғида кўрасиз.



Муҳаббат ёш танламаслигига амин бўласиз.  
Мулоҳаза билан иш юритинг. Ишхонада гап-  
сўз бўлиб кетишдан эҳтиёт бўлинг.



Зериқиш жонингизга тегса, китоб ўқинг. Акс  
ҳолда асабингиз чарчаш мумкин. Ҳафта  
охирироғида узоқдан хушxabар келиши кутилур.



Хурсандчилигингиз ҳафта ўрталаригача давом  
этади. Пайшанба кuni бир сирдан огоҳ бўласиз.  
Дам олиш кунлари оилавий хурсандчилик  
бўлади.



Юзига очикча гапиришдан истиҳола  
қилмаслик керак. Ўшанда кўнгилгашликдан  
кутуласиз. Шундай қилсангиз, жума кuni хурсанд  
бўласиз.



Ниҳоят янги ишқ савдоси бошингизга тушиши  
кутилур. Бунисидан унча кўнглингиз тўлмаса-  
да, ҳақиқий бахт ато этиши мумкин. Ҳафта  
ўртасида молиявий аҳволингиз яхшиланиши  
кутилур.



Ҳафта бошларида тузган режангиз бирдан  
амалга ошмаслиги мумкин. Тушқунликка  
тушманг. Дам олиш кунлари яна ишларингиз  
юриша бошлайди.



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

1998 йил  
19 февраль  
№ 7 (94)

# ОСИЁ БОЗОРИ

Axborot, tijorat-reklama gazetasi

АЗИС  
МУШТАРИЙЛАР!

Ахборот, тижорат-реклама газетаси

2-БЕТ

Иқтисодиёт

3-БЕТ

Таҳлил

4-БЕТ

Зукко  
келин  
Бозорбой  
башорати

ИЧКИ САҲИФАЛАРДА:

«Осиё бозори» газетаси билан мунтазам танишиб бориш истагингиз бўлса ОБУНА бўлишга шошилинг. Газетамиз саккиз саҳифада алоҳида нашр этилишини унутманг! Унда сиз қизиқарли хабарлар, ҳажвиялар, ҳайратомуз башоратлар, рекламалар, эълонлар, савдо-сотикқа оид маълумотлар, шунингдек, «Ойнаи жаҳон» ҳафталик дастури билан тўлиқ танишиб боришингиз мумкин. Обуна бўлиш учун Матбуот тарқатиш ва алоқа бўлимларига мурожаат қилинг.  
**НАШР ИНДЕКСИ:**  
Якка тартибдагилар учун — 174. Ташкилотлар учун — 175.

Ойдин тун. Агроф жимжит.  
Шу пайт рупарадаги уйдан  
она алласи эшитилиб қолди:  
*Юзларингдан нур пор-  
лайди, жажжигинам алла,  
Бахтиёр бул, ургилайин  
узим сендан, алла.*


Беихтиёр уша томонга  
қаралим. Дераздан боласини  
тиззасига куйиб аллалаётган  
она менга яққол куриниб ту-  
рарди.

Она алла айтяпти. Балки  
унинг ўз утмиши — кокилла-  
рини силкитиб чопқиллаб  
юрган чоғлари, онасининг  
меҳрибонликлари, отасининг  
ғамхўрликлари эсига тушаёт-  
гандир.

Аллани тинглаб туриб узоқ  
утмишдаги бир ривоятни эс-  
ладим.

Чол-камбирнинг яккаю яго-  
на қизи бор экан. Унга бир  
савдогардан совчи келибди.  
Отаси бойликка учиб, қизи-  
ни савдогарга узатибди. Она  
туй кунни йиғлаб туриб: «Эй  
қизим, тақдир экан, сени  
узоққа узатяпмиз. Сенга бир  
насихатим бор, фарзанд  
курсанг, унга сира алла айт-  
магин», деб уқтирибди ва  
қизини меҳр билан бағрига  
босибди-да, қониб-қониб  
ушиб, бахт тилаб қолибди.

Савдогар қизни узоқ шаҳар-  
га олиб кетибди. У хотинини  
жуда севар экан. Йиллар  
утиб, улар бир неча фарзанд-  
лик булишибди. Жувон ҳар



сафар фарзанд курганда она-  
сининг насихатини эслар, бо-  
ласини сира аллаламас экан.  
Бир кун кичик ўғли бетобла-  
ниб, туни билан ухламабди.  
Шунда аёл фарзандини кучоқ-  
лаб утириб оналик меҳри туген  
уриб, боласининг елкасига  
аста-секин қоқиб уни аллалай  
бошлабди. Жувоннинг кўз  
унгида бирдан ёшлиги, ота-

онаси, Ватани, киндик қони  
тукилган қадрон тупроғи, дуст-  
биродарлари жонланибди.  
Кўзларидан севинч, айрилиқ  
ёшлари шашқатор оқиб, охи  
қукка етибди. Турмушга чиқ-  
қандан сунг узини биринчи  
марта яккаю ёлғиз сезибди.  
Кейин у нима учун онаси алла  
айтма деганини тушунибди. Узи  
она булса ҳам она меҳрини

қумсаб юм-юм йиғлабди.

Она алла айтяпти. Мен ум-  
римда бирор марта она алла-  
сидек жозибадор, таъсирли,  
сарвар овозни эшитмаганман.  
Бу овозни тасвирлашга қала-  
мим ожизлик, тафаккурим тор-  
лик қилади.

Дунёда энг улғу зот алла ай-  
тяпти. Юрагим тулқинланяп-  
ти, қалбимда фарзандлик меҳ-

## Умрибоқий удумлар

ри жуш уряпти. Овозимнинг  
борича: «Эй, она! Онажоним»  
деб ҳайқиргим, оқ сут берган  
онажоним куксига бошимни  
қуйгим, ҳар толаси менинг ғам  
ташвишимдан оқарган кумуш  
сочларидан, қат-қат ажинли,  
нур томиб турган кўзларидан  
упгим, бахтим учун курашган,  
меҳнат қилган қадокли қулла-  
рини силагим келди. Йўқ! Бу-  
лар ҳаммаси унинг меҳр бил-  
лан бир марта айтган алласи-  
га етмайди!

Кишилар ешларга қараб,  
она сути оғзидан, она алласи  
қулогидан кетмаган дейишади.  
Бу жузвий маънода холос. Ҳеч  
бир инсон она сути таъмини  
оғзидан, алласини қулогидан  
кетказишга ҳаққи йўқ!

Она алласи. Қалби дунё, меҳ-  
ридарё она алла айтяпти.

... Ухла қузим, юлдузим алла,  
Қора қузли, кундузим алла...

Бу сеҳрли мунаввар овоз  
гудакни элитди шекилли, ши-  
рин уйқуга кетди. Мен эса бу-  
тун чарчоғимни унутиб, узим-  
да қандайдир туганмас куч се-  
зардим.

Осондаги ой ҳам она алла-  
сидан маст бўлган гудакдек  
уфққа аста бош қуйди.

Ширин АБДУКАРИМ  
қизи.

## ХУЛОСА ЧИҚАРДИМ

Очиғи, таржимаи ҳолимни ёзиш-  
га тўғри келганида «Отасининг  
«Осиё бозори» деган жойга пада-  
рибузрикворимнинг исми  
ёзишга қийналар-  
дим. Негаки, паспортим-  
га — «Джарилкапберге-  
новна» деб ёзилган. Севимли га-  
зетамиз «Осиё бозори»да ёритил-  
ган «Отагинанг «Баба»ми?» мақо-  
ласини ўқигач, узимга зарур хуло-  
са чиқардим. Энди тегишли қонун-  
га асосан паспортимни узгартириб  
оламан.


Насиба ЕРИЛҚОПБЕРГАН қизи.  
Қорақалпоғистон Республикаси,  
Хужайли шаҳри, Гулзор кучаси,  
20 уй.

## ҲАФСАЛА БЎЛСА БАС

Жуда муҳим қонунни эслатиб қуйгани учун  
газетадан мамнунмиз. Чиндан ҳам давлатимиз-  
нинг одил қонунлари қадриятларимизни тиклаш-  
га хизмат қилаётганига гоҳида бе-  
фарқ қараймиз. Жумладан, «Дав-  
лат тили ҳақида»ги қонунга бино-  
ан исм-шарифларимизни рисола-  
дагидек ёздиршимиз мумкин.

Утган хатоликларни тузатиб олишга имкон  
яралгани қандоқ яхши гап. Таассуфки, ҳали-ҳануз  
ҳужжатлар кур-қурона хато ёзилаётгани киши-  
ни таажублантиради. Яқинда бир журам уғилли  
булди. «Тугилганлик ҳақида гувоҳнома»сига гай-  
ришуурий тарзда «Мавлянов» деб ёзиб беришиб-  
ди. Журам: «Ўзимнинг ҳужжатимдаям шунақа-  
ку...» деб бепарво юраверди. Мен унга «Осиё  
бозори»даги мақолани курсатдим ва ҳафсала бил-  
лан уша хатоликларни тузатдик.

Ҳамза ТУРҒОНОВ,  
Иштихон тумани.



## ЖАВОБ ХАТИ КЕЛМАСА ҲАМ... АМАЛДА

Садаганг кетай, тушун-  
ган кишиларга нисбатан:  
«Яхши отга бир қамчи...»  
деган нақлни айтишга  
ҳам тилинг бормайди  
баъзан. Вақтида ишни  
қойиллатганларга — офа-

рин, десанг арзийди. Га-  
зетамизнинг шу йил 12  
февраль сониди «Таъмир-  
лаш зарур» сарлавҳали  
танқидий мақола ёритил-  
ган эди. Бундан тўғри ху-  
лоса чиқаришган йулсоз-  
лар тухтовсиз ёгингарчи-  
лик булишига қарамай  
уша («Салом» чойхонаси-  
дан сал наридаги) жойни  
эпақага келтиришди.

Рисоладагидек асфальт  
ётқизирилиши учун кулай  
шарт-шароит зарурлигини  
тушуна булади. Илло,  
офтоб чарақлаб, қорлар  
эригач, йулсозлар пой-  
тахт шаҳримиздаги «Буюк  
Ипак йули»ни номига  
яраша қилиб қуйишлари-  
га ишонамиз.

МАФТУНА.



